

**Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
Тошкент Ирригация ва мелиорация институти**

**Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси
кафедраси**

**Мавзу №6
Лаборатория ва амалий
машғулотларни ташкил этиш ва
уни ўтказиш методикаси**

Режа:

1. Амалий ва лаборатория машғулот турлари, тизими ва уларни ўқув жараёнида тутган ўрни.
2. Лаборатория, амалий машғулотларининг ташкилий шакллари.
3. Лаборатория, амалий машғулотларга қўйиладиган умумий талаблар.
4. Машғулотларни режалаштириш ва уни ўтишга тайёргарлик кўриш.
5. Лаборатория амалий машғулот режаси ва уни ўтиш методикаси.

**АНИҚЛАШТИРИЛГАН ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ
(МАГИСТРИНГ ВАЗИФАЛАРИ)**



амалий ва лаборатория машғулот турлари, тизими ва уларни ўқув жараёнида тутган ўрнини тушунади;

лаборатория, амалий машғулотларининг ташкилий шаклларини билади;

лаборатория, амалий машғулотларга қўйиладиган умумий талабларни билади;

машғулотларни режалаштириш ва уни ўтишга тайёргарлик кўришни билади;

лаборатория амалий машғулот режаси ва уни ўтиш методикасини ўрганади.

Лаборатория ишлари ва уларни ўтказиш тартиби

Лаборатория ишлари – мустақил ишнинг фаол шакли ҳисобланади. У аудиторияларда ўтказиладиган машғулотларнинг 30 % ини ташкил қилади. Лаборатория машғулотларини ўтказишдан мақсад – фаннинг илмий-техника асосларини чуқур ўрганиш, тажриба ўтказишнинг замонавий методикаси билан танишиш. Лаборатория машғулотлари талабаларни мустақсилликка, зийракликка ўргатади.

Лаборатория методи таълим жараёнида ўқувчиларга атрофини ўраб олган объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисалар, уларнинг шакли, ҳажми, таркиби, тузилиши, ўзгариш ва ривожланиш қонуниятлари ҳақида янги-янги билимлар бериш, ўзлаштирилаётган илмий билимларни мустаҳкамлаш ҳамда тегишли кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Тажриба ишлари ва амалий ишлар бевосита ишлаб чиқариш характериға эға эмас. Улардан кўзланган мақсад - ўқувчиларға мазмуни жиҳатидан умумтехника ва махсус фанлар билан боғлиқ бўлган технологик жараёнлар, техникавий ҳодисалар, умумий қонуниятлар, амалий қоидалар, техникавий нормативлар ва шу кабиларни амалда ўргатишдир.

Тажриба ва амалий ишлар давомида ўқувчилар ўзларидаги мавжуд билимларни тушунадилар, мустақамлайдилар ва кенгайтирадилар, бу билимларни татбиқ этишға ўрганадилар, бу эса касбий маҳоратни ошириш учун зарурдир.

Амалий машғулотлар

Олий мактаб ўқитиш тизимига маъруза билан биргаликда амалий (машқ, семинар ва лаборатория ишлари) машғулотлари ҳам киради, улар назарияни амалиёт билан боғлаш вазифасини бажаради. Агар маърузада илмий билимлар асоси баён қилинадиган бўлса, амалий машғулотларда билимлар чуқурлаштирилади, кенгайтирилади. Энг муҳими, амалий машғулотлар талабалар билимини синаш вазифасини бажаради.

Амалий машғулотларга талабаларнинг аудиторияда бажарадиган мустақил ишларининг ҳамма турлари киради. Амалий машғулотлар мисол-масала ишлаш, лаборатория ишлари, семинарлардан иборат. Амалий ишлар маърузада ўтилган назарий билимларни амалда текшириб кўриш, назарий материалларни мустақил ўрганиш орқали билимни мустаҳкамлашга қаратилган.

Амалий машғулотларда ўқитувчи талабалар билан яккама-якка мулоқотда бўлади, уларни ишлашини, фанни ўзлаштиришини бевосита кузатиб боради.

Амалий машғулотларни ўтказиш тартиби ҳар хил фанлар учун деярли бир хил. У ўқитувчининг кириш сўзидан, савол жавоблардан, мустақил ишдан ва ўқитувчининг муқаддимасидан иборат.

Амалий машғулотда талаба масалаларни ечиш билан бирга назарий асосий билимларни амалиётга қўллашга қаратади. Натижада талабани амалий машғулотга ўргатибгина қолмасдан фикр юрутиш ва масалаларни ечишда маҳорат вазифасини ўтайди. Маъруза талабага маҳорат услубларини ўргатса, амалий машғулотда амалий янгиликлар билан шуғулланади. Бунда мустақилликка ўтиш ўқитувчи ёрдамида ўргатилади. Унинг учун, агар маърузада талаба ўқитувчи билан биргаликда ишласа, амалиёт дарсида эса, ўқитувчи раҳбарлигида мустақил ишлаши керак.

Дарс режаси мавзу бўйича аниқ машғулоти ўтказишнинг асосий режалаштирувчи ҳужжати бўлиб, у амалий касбий таълим ўқитувчисининг тайёрловиши натижаси ҳисобланади. Дарснинг стандарт мажбурий режа шакллари белгиланмаган, чунки режа шакли дарснинг мазмуни, амалга ошириш усуллари, унинг тарбиявий мақсадлари, бўлажак иш характери, машқларни ташкил қилиш ва ўқитувчи тажрибасига боғлиқдир. Дарс режаларини тузишда қуйида келтириладиган ўқув ишлаб чиқариш амалиёти дарс режаси намунасидан фойдаланиш мумкин.

Микдорий ва сифатий тажриба-амалий ишлари.

Тажриба-амалий ишларни уларнинг характери жиҳатидан *микдорий* (микдорга боғлиқ бўлган) ва *сифатий* (сифатга боғлиқ бўлган) ишларга бўлиш мумкин. Микдорий тажриба-амалий ишлар аниқ ўлчашлар, ҳисоблаб чиқаришлар, ҳисоблар билан боғлиқ. Уларнинг натижалари текширилаётган объект ёки ҳодисалардаги микдорий боғланишларни очиб берувчи муайян катталиқ билан ифодаланади. Микдорий тажриба-амалий ишларга қуйидагилар мисол бўла олади: майдаланган тупроқнинг сифат кўрсаткичларин аниқлаш; екиш машиналарида уруғ сарфини аниқлаш; культиватор ишчи органларини созлаш ва ҳоказо.

Тажриба-амалий ишдан кўзда тутилган мақсад кўп жиҳатдан уни ўтказиш методикасини: ўқувчилар ишига ўқитувчининг раҳбарлик қилиш усуллари, айрим тажрибаларни бажариш тартиби ва шу кабиларни белгилаб беради. ўқувчилар назарий материални билиб олганларидан, ўрганилаётган ҳодисалар, жараёнлар билан танишганларидан сўнг улар билан тажриба-амалий иш ўтказиш анча осон кўчади. Бу ҳолда ўқитувчининг ё'риқномаси ниҳоятда қисқа ва лўнда бўлади.

Натижасига асосланиб ўқувчилар маълум хулосалар чиқариши керак бўлган тажриба-амалий ишларни бажариш анча мураккаб. Ўқувчиларни бунга олдиндан тайёрлаш, ўқитувчининг йўриқномаси анча батафсил бўлиши заур. Бундай иш давомида ўқитувчи ўқувчилар ишини кузатибгина қолмай, балки уларнинг фаолиятини йўлга солади, уларни зарур хулосаларга олиб келади.

Фанлараро комплекс тажриба-амалий ишлар.

Коллежларда умумтаълим фанлари ўрганиш муносабати билан **фанлараро комплекс тажриба-амалий ишлар** қўлланила бошланди. Бу ишларни бажариш давомида ўқувчилар умумтаълим, умумтехника ёки махсус фанлардан олган билимларини мустаҳкамлайдилар ва бу билимларини амалда татбиқ этиш уқувларини егаллайдилар. Бундай тажриба-амалий ишларни умумтаълим ва умумтехника фанларидан ана шунга ўхшаш материал тахминан бир вақтда ўрганилган ўолларда ўтказган маъқул. Фанлараро тажриба-амалий ишларга мисоллар:

Коллежларда умумтаълим фанлари ўрганиш муносабати билан **фанлараро комплекс тажриба-амалий ишлар** қўлланила бошланди. Бу ишларни бажариш давомида ўқувчилар умумтаълим, умумтехника ёки махсус фанлардан олган билимларини мустаҳкамлайдилар ва бу билимларини амалда татбиқ этиш уқувларини егаллайдилар. Бундай тажриба-амалий ишларни умумтаълим ва умумтехника фанларидан ана шунга ўхшаш материал тахминан бир вақтда ўрганилган ўолларда ўтказган маъқул. Фанлараро тажриба-амалий ишларга мисоллар:

Фронтал ва нофронтал тажриба-амалий ишлар.

Тажриба-амалий ишлар *фронтал ва нофронтал* ўтказилиши мумкин. Фронтал тажриба-амалий ишларда гуруҳдаги барча ўқувчилар бир типдаги жиҳозларда якка-якка бўлиб ёки кичикроқ звеноларга бўлиниб ишлаб, бир хил топшириқни бажарадилар. Ўқув материални дарсларда ўрганишдан олдин ёки ўрганиш билан бир вақтда бажариладиган тажриба-амалий ишлар фронтал ўтказилиши керак. Тегишли ўқув материални ўрганишни тугалловчи тажриба-амалий ишлар фронтал ўтказилиши мумкин ва маъқул.

✓ **Мавзу:** _____

✓ **Мақсад:** _____

ИИИ. Ўқув соатлар миқдори: _____

ИВ. Мавзуни ўрганиш давомида эгалланадиган амалий кўникмалар:

В. Мавзуни ўрганиш давомида шаклланадиган назарий билимлар:

ВИ. Жихоз ва ускуналар:

ВИИ. Мавзу бўйича ўқув амалиётини ўтказиш тартиби

Ўқув амалиётини ўтказиш босқичлари	Фаолият турлари	
босқичи	Таълим берувчи	Таълим олувчи
1-босқич. Кириш (5 дақиқа).	<p>Мавзуни эълон қилади ва ичидаги вазифани тушунтиради. Ишнинг кетма-кетлиги ва баҳолаш мезонлари билан таништиради.</p>	<p>Тинглаб эшитади.</p>
2-босқич. Ўқув материалини баён этиш (20 дақиқа).	<p>Миллий кўйлак, лозим тикишда учрайдиган майда бўлакчалар ва уларга технологик ишлов бериш жараёнини тушунтиради. Бажариладиган ишлар кетма-кетлигини баён қилади. Ўқувчиларнинг назарий билимларини тест ёки оғзаки сўров орқали аниқлайди.</p>	<p>Тинглаб эшитади. Тест топширади ёки оғзаки савол-жавоб</p>
3-босқич. Кириш йўриқно- маси (50 дақиқа).	<p>Ўқувчиларни асосий меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қоидалари билан таништиради. Ишлаб чиқариш санитарияси ва электр, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни тушунтиради. Ўқувчиларни технологик харита билан таъминлайди. Ёқа, кокетка, енг, етак манжетга ишлов беришни амалда кўрсатади. Ҳар бир иш жойда қандай иш олиб борилиши бўйича йўл-йўриқ кўрса-тади, вазифани бажариш учун вақт белгилайди.</p>	<p>Уста бажараётган ишни диққат билан кузатади. Берилган топшириқнинг мақсад ва вазифаларини ёзиб олади</p>

<p>4-босқич. Жорий йўриқ. Амалий иш (3 соат)</p>	<p>Миллий кўйлак майда бўлақларига ишлов беришда технологик жараён кетма-кетлигининг тўғри бажарилиши:</p> <ul style="list-style-type: none"> — ёқага ишлов бериш; — кокеткага ишлов бериш; — этак қисмига ишлов бериш; — енгга ишлов бериш; — лозим манжетига ишлов беришни тушунтиради ва назорат қилади. 	<p>Ҳар бир иш жойида берилган йўл-йўриқ харитасини ўрганадилар ва амалий бажарадилар.</p> <p>Берилган вақтга қараб кетма-кетлик асосида кўйлак бўлақларига ишлов берадилар. Вазифани мустақил бажарадилар.</p>
<p>5-босқич. Яқуний йўриқ. Баҳолаш, таҳлил қилиш ва яқунлаш (40 дақиқа).</p>	<p>Ҳар бир ўқувчининг бажарган ишларини қабул қилади ва яқун ясайди. Бажарилган ишларни баҳолаш мезонлари билан таништиради. Баҳолаш натижаларини эълон қилади. Бажарилган ишлардаги ютуқ ва камчиликларни кўрсатади.</p> <p>Уйга вазифа ва уни бажариш учун тавсиялар кўрсатади.</p>	<p>Бажарган ишини топши-ради, баҳо натижаларини эшитади, таҳлил қилади. Уй вазифасини дафтарга ёзиб олади.</p>

**Эътиборингиз
учун раҳмат!!!**

29.04.2015 йил